Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 42 (7182). ● 27 февраль, 1980 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ҚАШҚАДАРЁНИНГ 600 МИНГ ТОННА ПАХТАСИ УЧУН

ҚАРШИ, 26 февраль. (ЎзТАГ). Кўриқ Қашқадарё области республикада «Оқ олтин», шу жумладан энг қимматли ингичка толали нав пахта етиштиришни кўпайтиришнинг жуда катта резервларига эгадир. Область пахтакорларининг бугун бу ерда бўлиб ўтган қурултойи қатнашчилари ана шу резервларни ишга туширишга, партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини муваффақиятли равишда амалга ошириш вазифаларини муҳокама этдилар.

Область ижроия комитети раиси Б. Элбоевнинг докладида, сўзга чиққан Чироқчи район партия комитетининг биринчи секретари Т. Тиллаев, Косон районидаги «Ленинград» совхозининг директори Т. Орзиқулов, Қарши район ижроия комитетининг раиси Т. Сахатов, Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхоз бригадири А. Носирова, Бахористон район партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Аметов, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Ҳайдаров нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, областда янги ерлар интенсив равишда комплекс ўзлаштирилмоқда, деҳқончилик маданияти оширилмоқда, колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Пахтакорлар ўртасидаги социалистик мусобақа такомиллаштирилмоқда. Қашқадарёликлар об-ҳаво шароитлари қийин бўлган ўтган йилда давлатга 538 минг тонна — топшириқда кўзда тутилганига қараганда 38 минг тонна кўп пахта сотиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Қурултойда пахтачиликни комплекс механизациялаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. 1979 йил якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган Қарши районининг тажрибаси эътиборга сазовордир. Бу ерда механизатор кадрлар тайёрлаш муваффақиятли суратда олиб борилмоқда, техникадан фойдаланиш самарадорлиги бошқа районлардагидан анча юқоридир.

(Давоми 3-бетда).

ПАРТИЯ—РАҲНАМО

Иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига 24 февралда ўтказилган сайловда яққол ва тўла намоён бўлган жипслик, фикр ва туйғулар муштараклиги Коммунистик партия билан совет халқи ғоят мустаҳкам бирлигининг яна бир ажойиб намойиши бўлди. Советлар мамлакатининг барча гражданлари партиянинг сиёсий йўлини ҳозирги босқичда коммунистик қурилиш юзасидан тўрт йил муқаддам КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программани тўла ва сўзсиз қўллаб-қувватлаётганликлари яна зўр эҳтирос билан таъкидланди.

Умуман етмишинчи йиллар сингари улкан ишлар ва воқеаларга бой бўлган бу давр мамлакатимиз ҳаётида, ҳар бир совет кишисининг ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги ўн йилликнинг якунлари, келгусидаги вазифалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида ўзининг чуқур ва ёрқин ифодасини топди. Совет жамияти бирлигининг, ғоявий-сиёсий, социал ва миллатлараро жипслигининг янада мустаҳкамланганлиги шу йиллардаги асосий масала бўлди. Жипслик — социализмнинг ноёб бойлиги, бебаҳо, енгилмас кучимиздир. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги кенгайди. Ташқи сиёсатимизнинг ҳамма йўналишларида, тинчлик программасини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришилди.

Биз КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, мамлакатни социал-иқтисодий ва маданий ривожлантиришда анча олға қараб силжидик. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қариб учдан бир қисми янгиланди. Янги йирик территориал ишлаб чиқиш комплекслари қад кўтарди. Партиянинг аграр сиёсати сабот билан ўтказилди, бу эса қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини сезиларли равишда кўпайтириш, табиат инжиқликларини кам чиқим билан бартараф этиш имконини берди.

Хўжалиқ қурилишидаги ишларнинг кўлами ва чуқурлиги халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада ўстиришга самарали таъсир ўтказди. Маълумки, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада ўстириш партия иқтисодий стратегиясининг олий мақсадидир. Тўрт йил мобайнида миллий даромад 16 процент, аҳоли жон бошига реал даромадлар эса сал кам 14 процент ошди. 423 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди.

Кўп иш қилинди. Шу билан бирга советлар мамлакатининг коммунистлари Ленининг кўлга киритилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмай, тинмай олға бориш, бундан ҳам каттароқ муваффақиятларга эришиш кераклиги ҳақидаги васиятини доимо эсда тутадилар. Халқ хўжалигимизни ривожлантириш натижалари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида ўткир ва танқидий тарзда муҳокама қилинди. Ҳали барча тармоқлар, барча корхоналар планни уддалай олмаётганлиги тўғрисида большевикчасига рўйи-рострлик билан гапирилди. Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари, уй-жой, маиший хизматни ташкил этиш соҳасида ҳозирча қийинчиликлар бор. Ана шу камчиликларни тугатиш, аҳволни яхшилаш учун партиянинг иқтисодий сиёсатини янада кўпроқ сабот билан, янада ғайрат билан амалга ошириш, бутун ишимизни самарадорлиги ва сифатини кўтаришга, энг яхши пировард натижаларга эришиш лозим. Ўтган йилларнинг тажрибаси кўрсатганидек, бунинг йўли аввало бошқариш даражасини юксалтиришда, хўжалик механизмини яхшилашда, масъулиятни оширишда ва ҳар бир соҳада интизомни мустаҳкамлашдадир.

Олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотлари биринчи даражали роль ўйнайди. Партиянинг принципиал йўл-йўриқлари асосида ўз ишининг услуб ва методларини ҳар томонлама такомиллаштириш — партия ташкилотларининг бурчидир. Хўжалик юритиш қўламлари иқтисодий ўзаро алоқаларнинг чуқурлиги ва мураккаблиги ғоят ўсган бир шароитда юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабатда бўлиш вазиятини вужудга келтириш айниқса зарурдир. Топширилган иш учун ҳар бир кишининг шахсий масъулияти, ижрони қатъий контроль қилиш ва текшириш, қонунларни ва ҳаётимиз нормаларини бузишнинг ҳар қандай ҳолларига, фаолиятсизликка ва хотиржамликка, хўжасизликка ва ишни пала-партиш қилишга, ман-манликка ва юзакичиликка муросасиз бўлиш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун партия ташкилотлари марказлаштирилган асосни мустаҳкамлаш билан бир қаторда қўйидан бўладиган ташаббусга — колхоз ва совхозлар, корхона ва бирлашмалар, маҳаллий органларнинг ташаббусига ҳамма жойда кенг йўл очиб беришлари лозим. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мамлакатда кенг авж олган социалистик мусобақа ана шу ташаббуснинг ёрқин кўриниши бўлди. Оммаининг меҳнат ғайрати ҳамма жойда ишнинг аниқ-пухта ташкил этилиши билан мустаҳкаланиши учун, шу билан бирга дабдабабозлик ва шов-шувларнинг қатъиян барҳам топиши учун, ҳозирги 1980 йил ҳақиқатан ҳам зарбдорларча ишлаш, ленинчасига ишлаш йилига айланиши учун ҳамма чораларни кўриш керак.

«Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган мавзуда март-апрель ойларида ўтказиладиган очиқ партия йиғилишлари ана шу ишларни амалга оширишда актив кўмаклашишга даъват этилган. Бу йиғилишларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари, Марказий Комитетнинг Ленин юбилейига бағишланган қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинади. Бу йиғилишларга тайёргарликни шундай олиб бориш керакки, улар коммунистлар жанговар қобилиятининг, коллективларда ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишлар қандай йўлга қўйилганлигининг, меҳнаткашларни Владимир Ильич Ленин ҳаёти ва фаолиятининг юксак мисолида, революцион жанговар ва меҳнат анъаналаримиз асосида тарбиялашнинг чинакам кўриги бўлсин.

«Коммунистлар одамларнинг тинч турмуши, уларнинг ижодий меҳнати, уларнинг фаровонлиги ва маънавий ўсиши, йўлида яшаб, курашиб келмоқдалар», — деб таъкидлади Леонид Ильич Брежнев сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида. Буюк, ажойиб мақсад! Бу мақсад миллионларнинг илҳомини ва қудратли бунёдкорлик ғайратини вужудга келтиради. Биз бугунги кунда, янги зафарлар бўсағасида, партия XXVI съездига тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда келажакка осойишта, комил ишонч билан назар солмоқдамиз. Ҳамиша бўлганидек, бизнинг йўлимиз — тинч бунёдкорлик йўли, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш йўлидир. Бинобарин бизни бу йўлдан ҳеч ким тойдира олмайди!

Ҳа, ҳеч ким тойдира олмайди! Чунки биз тўғри йўлдан — ҳақиқат йўлидан, озодлик йўлидан, халқ бахт-саодати йўлидан бормоқдамиз. Чунки, бизни совет халқининг синалган авангарди — Ленин партияси бошлаб бормоқда.

(«ПРАВДА» газетасининг 26 февралдаги бош мақоласи).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

26 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг якуниовчи мажлиси бўлди. Мажлисда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайлов якунлари кўриб чиқилди.

Сайловга тайёргарлик ва овоз бериш Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунига мувофиқ ўтганлиги мажлисда қайд этилди. Давлат ҳокимиятининг Олий органига сайлов уюшқоқлик билан ўтди ва партия ҳамда халқ монолит бирлигининг намойишига айланди, совет демократияси тантанасини кўрсатувчи яна бир ёрқин далил бўлди.

Марказий сайлов комиссияси республика Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ 510 сайлов округининг ҳаммаси бўйича ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди ва сайлов якунларини матбуотда эълон этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Л. ЦИНЕГЕНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 февраль куни Кремлда Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министри Лайош Цинегени қабул қилди.

Тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Совет — Венгрия ҳамкорлигининг ва вужудга келаётган халқаро вазиятнинг хилма-хил масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов иштирок этдилар.

(ТАСС).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ўртоқ Л. И. Брежнев 26 февраль куни Кремлда ўртоқ Л. Цинегега Октябрь Революцияси орденини топширди. У мукофотни топшириш маросимида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам ўртоқлар!

Бугун Венгрия Халқ Республикасининг мудофаа министри армия генерали Лайош Цинегега Октябрь Революцияси орденини топшириш менга эўр мамнуният бахш этади.

Ўртоқ Цинеге, бизнинг Ватанимиз сизнинг СССР Қуролли Кучлари билан Венгрия халқ армияси ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматларингизни шу мукофот билан тақдирлайди.

Биз венгер дўстимизни астойдил ҳурмат қиламиз, у салкам йигирма йилдан бери мудофаа министри юксак лавозимини эгаллаб келмоқда. Интернационал коммунист сифатида у иттифоқчи мамлакатларимизнинг Варшава Шартномаси қарбий ташкилотини мустаҳкамлаш борасидаги коллектив куч-ғайратларига каттагина ҳисса қўшмоқда.

Биз ана шу мудофаа қалқонини вужудга келтиранимиз яхши бўлди. Жаҳон ривожланишида ташвишли пайтлар афсуски, етарли деса бўлади. Бугуни кунда биз ана шундай пайтларнинг биринчи бошдан кечирмоқдамиз. Ҳамиша бўлганидек, бизнинг буюк куч-қудратимиз уруш кучларини маҳкам боғлаб қўйишга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Мана қарийб чорак асрдан буён Варшава Шартномаси Европада айни шу мақсадларга пухта хизмат қилиб келмоқда.

Муҳтарам ўртоқ Цинеге, Сизни юксак мукофот билан самимий равишда табриклаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда социалистик Венгрия ва бизнинг Совет — Венгер дўстлиги манфаатлари йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилайман.

Ўртоқ Л. Цинеге жавоб нутқида Совет Иттифоқининг юксак мукофотини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўлидан ғоят тўлқинланиб қабул қилаётганлигини таъкидлади.

Бу мукофотни, деди у, мен шахсий хизматларимнинг эътироф этилишигина эмас, шу билан бирга мен садоқат билан хизмат қилган ва бундан буён ҳам хизмат қиладиган партиямиз фаолиятига берилган юксак баҳо деб ҳам биламан.

Ўртоқ Л. Цинеге ўз Ватанини ва Венгрия Халқ армиясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ишида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан совет халқи кўрсатган жуда катта ёрдам учун астойдил миннатдорчилик изҳор қилди.

ВХР мудофаа министри СССРнинг шонли Қуролли Кучлари билан Венгрия Халқ армияси ўртасидаги, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг барча қуролли кучлари ўртасидаги дўстона алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб, тинчлик ва социализм ишига хизмат қилиши лозим бўлган вазифаларни бажариш манфаатлари йўлида тобора ривожланмоқда учун ҳамма ишни қиламан, деди.

Ўртоқ Л. Цинеге ўртоқ Л. И. Брежневга сиҳат-саломатлик ва совет халқи, дунёдаги барча халқлар бахт-саодати йўлидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

* * *

Мукофотни топшириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва ҳарбий денгиз флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ҳозир бўлдилар.

Залда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари штаби бошлиғининг ўринбосари Л. Фазекаш, ВХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Пинтер, венгриялик бошқа ўртоқлар ҳам бор эдилар.

Ҳозир бўлган кишилар Л. Цинегени Совет Иттифоқининг юксак мукофоти билан самимий муборакбод қилдилар.

(ТАСС).

КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ШАЙМИЗ

БЕКОБОД районидаги «Ленинград» совхози пахтакорлари ўтган йилни катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритган ҳолда якунладилар. Чўл қўйнида ташкил этилган хўжалик коллективи ўнинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилида Ватанга 7 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берди. Илғор бўлим ва бригадалар пахтакорлари эса ҳосилдорликни 30—35 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. Совхозда мўл пахта ҳосили етиштирилиши туфайли 350 минг сўм соф фойда олинди.

Чўлқуварлар В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллик юбилейи йилида ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштиришни янада кўпайтиришни режалаштирилар. Бу мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун хўжаликда кўкламги дала ишларига ва чигит экишга пухта ҳозирлик кўрилаётир.

Яқинда совхозда қишлоқ меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1980 йил кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва бу ишларни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қаророидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққанлар партия ва ҳукумат қарори асосида кўкламги дала ишларига қандай тайёргарлик кўраётганликларига батафсил тухталдилар.

Х. ҚАҲРАМОНОВ,
совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

ХЎЖАЛИГИМИЗДА йигирма-терим тугалланиши биланоқ 1980 йил ҳосили учун замин тайёрлашга киришилган эди. Шудгорлашдан аввал далаларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинди. Биз маҳаллий ўғитлардан фойдаланишда ғўнг оборотига амал қиламиз. Жамғарилган маҳаллий ўғит барча майдонларга эмас, балки уларнинг бир қисмига солинади. Ўтган йили кузда 600 гектар ерга ҳар гектар ҳисобига 30 тоннадан ғўнг солдик. Бу маҳаллий ўғитлар самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Куз давридаёқ бегона ўтларга қарши курашиш чораларини кўрамиз. Бултур ҳам бегона ўтлар кўп тарқаган 600 гектар ерга далапон гербициди сепдик. Тупроқ картограммасига риоя қилган ҳолда шудгорлашдан олдин далаларга фосфор ва азот ўғитлари ҳам солинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида кўкламги дала ишларида фойдаланиладиган машина-тракторларни барвақт тахт қилиб қўйиш, улар ремонтининг сифатига алоҳида эътибор бериш таъкидланган. Совхозимизда ҳам техника воситаларини ремонтига барвақт киришилди. Бу ишни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 5 та ремонт бригадаси ташкил этилди. Механизатор ва слесарларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилди, улар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди. Шу туфайли ҳозир совхозимизда мавжуд 40 та чопиқ ва 27 та ҳайдов тракторлари, 5 та ер текислагич машина, сеялкалар, 11 та чизель, 120 комплект тишли ва 5 комплект дискали бороналар далага олиб чиқишга шай ҳолга келтирилган.

Ўтган йилги тажрибамиз чигит экишни қулай агротехника муддатларида сифатли ўтказиш катта аҳамиятга эга эканлигини амалда исботлади. Шунинг учун бу йил ерга барака уруғи қадашни 8 иш кунида тугаллашни режалаётирмиз. Бунга ҳамма имкониятлар бор. Ер стилиши билан далаларга 40 та чигит экиш агрегати олиб чиқилади. Уларнинг кунига 300—350 гектар майдонга барака уруғи қадашга таъминланади.

Экиш агрегатларига кенг иш фронти очиб бериш мақсадида бутун куч ва имкониятлар ер текислашга қаратилади. Чигит экиш билан бир йўла ерга минерал ўғит ва гербицид солинади.

Барча майдонларимизга «Тошкент-1» навли пахтанинг туксизлантирилган чигитини экамиз. Ўтган йилги тажрибамиз бунда уруғлик тежалиши ва ғўзани яганалашга ортиқча сарф-ҳаражат қилишга эҳтиёж қолмаслигини кўрсатди. Шу ҳисоба совхоз бўйича 300 минг сўм маблағни иқтисод қилиб қоламиз.

Биз экиш мавсумини ҳар тарафлама шайланиб кутиб олаётирмиз. Ариқ-зовурларни тозалаш тугалланмоқда. Етарли миқдорда уруғлик чигит, ўғитлар, гербицид келтириб қўйилган. Бу экишни муваффақиятли ўтказиш имконини беради.

А. ИҲЛДОШЕВ,
3-бўлим бошқарувчиси

БЎЛИМИМИЗДА пахта ҳосилдорлиги муттасил ортиб бораяпти. Жумладан бултур ҳосилдорлиги 1978 йилга нисбатан 2 центнерга оширдик. Бу фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасидан самарали фойдаланиш натижаси ҳамдир.

Совхозимизда бўлгани каби бўлимимизда ҳам чигитни қўш қаторлаб экиш жорий этиляпти. Ўтган йил пахта етиштиришнинг бу илғор усулидан фойдаланган бўлимимиздаги Самад Аширбоев бошлиқ бригада ишчилари қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта йиғиштириб олдилар. Ғўза қўш қатор қилиб ўстирилиши туфайли ҳосил ҳам баракали бўлди.

Бу йил хўжалигимизда 1500 гектар майдонга чигитни қўш қаторлаб экиш кўзда тутилмоқда. Бўлимимизда эса С. Аширбоев, Э. Фозилов, Н. Параевлар бошлиқ бригадаларда ҳам шу илғор усулдан фойдаланилади. Бу бригадалар пахтакорлари ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида ҳосилдорликни 35—38 центнерга етказиш мажбуриятини олганлар.

Чигитни қўш қаторлаб экиш учун совхозимизда 10 та сеялка бор. Бу экиш агрегатлари ҳозир ишга тахт қилиб қўйилган.

Бўлимимиз пахтакорлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юборишга тараддуйни кўраётирлар. Қиш даврида дала бошига 600 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит чиқарилди. Барча трактор ва машиналар ремонт қилиб қўйилди. Бу йил биз пахта ҳосилдорлигини пландаги 20 центнер ўрнига 32 центнерга етказишга қарор қилганмиз. Давлатга камида 1200 тонна чўл дурдонаси топширамиз.

Ж. МАННОПОВ,
4-бўлим 1-бригадасининг бошлиғи

ПАХТАНИ эрта етилтириш «оқ олтин»дан баракали хирмон уйишнинг муҳим омилларидан биридир. Бобо-деҳқонлар «Эрта эккан—эрта йиғади», дейишларида катта ҳикмат бор. Дарҳақиқат ер тобига келганда ташланган уруғ тез униб чиқиб, баразж ривожланади. Яхши ҳосил тўплайди. Бу эса биринчи навбатда чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказишга боғлиқдир.

Шунинг учун бригадамизда кўкламги дала ишларига тайёргарлик кучайтириб юборилган. Механизаторларимиз Муса Ҳасанов ва Турлибек Маннополар чигит экиш агрегатларини ремонтдан сифатли чиқариб қўйдилар. Улар ерга барака уруғи қадашни бир ҳафта ичида тугаллашни мўлжаллашмоқда. Бригадамиз территориясидаги ариқ-зовурларни тозалаб бўлдик. Обҳаво қулай келган кунлардан фойдаланиб, 60 гектар пахта майдонимизнинг 40 гектарини текислаб қўйганмиз. Далаларга чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш даврида солиш учун 300 тонна компост тайёрлаб қўйдик.

Бу йил — доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллик юбилейи йили. Шунинг учун пахтакорларимиз бу қутлуғ йилда пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

А. УСМОНОВ,
1-бўлим 2-бригадасининг звено бошлиғи

ЧИГИТ экишни жадал суръатларда ва сифатли ўтказиш пахта майдонларининг ўз вақтида текислаб қўйилишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун звеномизда ҳамиша далаларни чигит экишга тайёрлашга катта эътибор берамиз. Ўтган йили ҳам ер текислашни яхши йўлга қўйганлигимиз натижасида бир ҳафта ичидаёқ 80 гектар ерга чигит экиб бўлгандик. Иш бошидан пухта бўлганлиги учун ғўза парвариши ва суғориш ҳам намунали олиб борилди. Кафтдек текис далаларда сув равон оқиб, ғўза яхши ривожланди. Культивация ҳам сифатли ўтди. Ҳосил баракали бўлди. Биз ҳар гектар майдондан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятимизни анча ошириб бажардик.

Ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида 40 центнерлик марраки кўзлаганмиз. Янги ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўймоқдамиз. Бу йил ҳам ерларни яхши текислашга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирга ча 60 гектар майдонни текислаб қўйдик. Кўкламда бу далалар яна бир марта борона ва чизель қилинади ҳамда текисланади.

Сифатли текисланган пахта майдонларига чигит экишни ҳам жадал суръатларда ўтказамиз.

З. АҲМЕДОВ,
механизатор

ВЛАДИМИР Ильич Ленининг Дальварзин чўлларини ўзлаштириш ҳақидаги башорати рўёбга чиқди. Чўл қўйнида ташкил этилган хўжалигимиз йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Ҳозир совхозимиз пахтакорлари 2 минг 500 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида 120 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу йил совхозимизда яна бир бўлим ташкил этилаётир.

Чўлни ўзлаштиришга ҳисса қўшаётганлигимдан фахрланаман. Биз ҳозирги кунларда ҳам янги-янги майдонларни текислаб, уларни чигит экишга тайёрлаб бераётирмиз. Бизга кудратли техника бериб қўйилган. Мен «К-700» маркали тракторда белгиланган топшириқни 1,5 ҳисса адо этаётирман. Биз янги ерлар ўзлаштириш билан бирга чигит экиш даврида пахтакорларга яқиндан ёрдам берамиз.

ИЙҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ЎНИНЧИ беш йиллиқнинг якунловчи йилида совхозда 2500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан планда кўзда тутилган 10 центнердан кўп пахта етиштирилиши таъминланиши учун кузги-қишки дала ишлари комплексида белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилишига эришилсин.

2. Ер унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин. Чигит экиш ва ғўза парвариши даврида ерга солиш учун 10 минг тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит жамғариб қўйилсин.

3. Далаларни чигит экишга сифатли тайёрлаш таъминлансин. Бунинг учун 5 та ер текислагич машина, 125 комплект борона, 11 та чизелдан самарали фойдаланилсин.

4. Чигит экишни 8 иш кунида тугаллаш таъминлансин. Бунинг учун 40 та чигит экиш агрегатининг юксак унум билан ишлашига эришилсин.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

XVII чақириқ халқ депутатлари область Советининг биринчи сессияси 1980 йил 6 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин:

Советда қўйидаги масалалар кўриб чиқилсин:

— Ташкилий масалалар.

— Сайловчилар наказларини бажариш юзасидан тадбирлар плани тўғрисида.

— Область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг КПСС XXV съезди талаблари асосида гражданлар хатлари билан ишлашни ва меҳнаткашларни қабул қилишни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида.

Область ижроия комитети раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитети секретари
А. МАНСУРОВ.

1980 йил 25 февраль.

ИШЛАРИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ!

1980 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

Хахалов Вадим Николаевич, хизматчи, 1-мактаб сайлов округи.

Агарков Борис Алексеевич, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 2-Фестиваль сайлов округи.

Хорошевская Людмила Юрьевна, мебель фабрикасининг лак ва бўёқлар тайёрловчиси, 3-Совет сайлов округи.

Мирхўжаев Мирвали, область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи, 4-Марказий сайлов округи.

Гордиенко Валентин Григорьевич, область партия комитети қурилиш бўлимининг мудири, 5-Гастелло сайлов округи.

Малихин Николай Иванович, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 6-Коммунистик сайлов округи.

Холбоев Хулмат Турматович, В. И. Ленин номли конметаллургия комбинати Қалмоқнор конининг кудуқ қазувчиси, 7-Олмалиқ сайлов округи.

Пильникова Нина Николаевна, шаҳарсозлик бошқармаси бетон узелининг мотористи, 40-Геология сайлов округи.

Бранлов Анатолий Васильевич, область касаба союзлари Советининг раиси, 41-Социалистик сайлов округи.

Файзуллаева Муая Нигматуллаевна, Тошкент область давлат педагогика институти талабаси, 42-Студент сайлов округи.

Патрушева Галина Степановна, тикув фабрикаси ишчиси, 43-Братск сайлов округи.

Шальнева Людмила Георгиевна, В. Маяковский номли 33-ўрта мактаб илмий бўлим мудири, 44-Молодежний сайлов округи.

Жўраев Зиёвуддин, тиш даволаш поликлиникаси бош врачи, 45-Дукент сайлов округи.

Азизова Мавсума Абдулхаевна, «Резинотехника» заводи йигувчи-елимловчиси, 46-Облиқ сайлов округи.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

Ляхова Валентина Дмитриевна, 8-темир-бетон буюмлари заводи кўприк крани машинисти, 47-Марказий сайлов округи.

Абдуллаев Олимжон, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 48-Хонобод сайлов округи.

Рахматхўжаева Сайёра Асатовна, область социалтаъминот бўлими мудири, 49-Қурилиш сайлов округи.

Шамлиева Татьяна Петровна, «Сантехлит» заводи контакт пайвандлаш пайвандчиси, 50-Завод сайлов округи.

Синявская Людмила Станиславовна, цемент комбинатининг лаборанти, 51-Привокзальний сайлов округи.

Собиров Юсуф, «Стройпластмасс» комбинати ишчиси, 52-Оҳангарон сайлов округи.

Камолов Бадриддин Садриддинович, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари, 53-Спорт сайлов округи.

БЕКОБОД ШАҲРИ

Кудинов Анатолий Николаевич, область алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармаси бошлиғи, 54-Индустриал сайлов округи.

Иванова Наталья Павловна, цемент комбинати техника назорати бўлимининг контролёри, 55-Калинин сайлов округи.

Ҳайдарова Шаҳзода, пахта тозалаш заводи ишчиси, 56-Коммунистик сайлов округи.

Пугачева Ольга Васильевна, О. Кошевой номли мактаб ўқитувчиси, 57-Маяковский сайлов округи.

Ибрагимов Алим Салохиддинович, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, 58-Ленин сайлов округи.

Степанов Михаил Сергеевич, темирйўл автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчилари бригадири, 59-Цемкомбинат сайлов округи.

Йўлдошева Жамила, темир-бетон буюмлари ва қурилиш комбинати моториста-си, 60-Октябрь сайлов округи.

Тошмуҳамедов Талъат Содиқович, тикув фабрикаси директори, 61-Гагарин сайлов округи.

Усачев Дмитрий Дмитриевич, область партия комитетининг саноат ва транспорт бўлими мудири, 62-Ленинград сайлов округи.

Ибобеков Акром Солижонович, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 63-Металлург сайлов округи.

Маликова Малоҳат Олимовна, металлургия заводи халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш эмалловчиси, 64-Шчербаков сайлов округи.

Тошқулов Сергей Тошқулович, халқ депутатлари область совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 65-Мактаб сайлов округи.

Савинова Александра Ивановна, «Узбекметаллургстрой» трести пардозловчиси, 66-Қурилиш сайлов округи.

Мусаева Алие Рустемовна, Бекобод шаҳар савдосига қарашли 87-магазин сотувчиси, 67-Навоий сайлов округи.

Северьянова Ольга Павловна, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати бичиқчи-модельери, 68-Комсомол сайлов округи.

Кузнецов Александр Владимирович, «Бекободцемремонт» корхонасининг слесари, 69-Москва сайлов округи.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

Сергеев Николай Николаевич, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати бош инженери, 70-Металлург сайлов округи.

Аблаева Айше Сейтумеровна, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 3-цехининг карбонизатори, 71-Молодёжний сайлов округи.

Расулова Зуҳра Абдуразоқовна, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 7-цехининг ўровчиси, 72-Красногвардейск сайлов округи.

Улина Любовь Николаевна, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-тозалаш цехининг аппаратчиси, 73-Троицкий сайлов округи.

Курманов Василий Фомич, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати 6-цехининг дурадгори, 74-Уйсозлик сайлов округи.

Хўжамуҳамедова Ўринжон, 160-қурилиш трести қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинатининг кран-машинисти, 75-Оққовоқ сайлов округи.

Астафьев Борис Владимирович, «Промтехмонтаж» бошқармасининг слесарь-монтажчиси, 76-Бўзсув сайлов округи.

Козлова Людмила Николаевна, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 25-ишлаб чиқариш криоген цехи газ таҳсимоти бўйича аппаратчиси, 77-«Химзавод сайлов округи.

Важинская София Александровна, «Узбекхиммаш» заводининг қозон пайвандлаш цехи кранчиси, 78-Совет сайлов округи.

Юсупов Пўлат Азизович, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, 79-Ленин сайлов округи.

Карпенко Зинаида Ермолаевна, «Чирчиксельмаш» заводи 2-цехининг электр пайвандчиси, 80-Мактаб сайлов округи.

Закрилев Ғофуржон Ергашевич, «Чирчиксельмаш» заводи 15-цехининг силлиқловчиси, 81-Коммунист сайлов округи.

Лавренова Капитолина Ивановна, пойафзал фабрикасининг ишчиси, 82-Комсомол сайлов округи.

Колесов Виктор Михайлович, трансформатор заводи тайёрлов пайвандлаш цехининг электр пайвандчиси, 83-Горький сайлов округи.

Сорскин Михаил Павлович, трансформатор заводининг сим ўраш ва магнитопровод цехи слесарь-йигувчиси, 84-Электромаш сайлов округи.

Муллаев Миновар Муллаевич, область халқ контроли комитетининг раиси, 85-Дзержинский сайлов округи.

Аникин Александр Иванович, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 86-Чапаев сайлов округи.

Сурихина Лидия Николаевна, 160-қурилиш трести 94-кўчма механизациялашган колоннасининг сувоқчи-бўёқчиси, 87-Қурилиш сайлов округи.

Болтабоева Насиба Тўғоновна, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехининг оператори, 88-Весенний сайлов округи.

Нигматов Пўлат, область партия комитети умумий бўлимининг мудири, 89-Октябрь сайлов округи.

Пивненко Надежда Ивановна, 9-мактаб ўқитувчиси, 90-Юбилей сайлов округи.

Тимошина Екатерина Семёновна, Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институти бўлими директори, 91-Високовольтний сайлов округи.

Керимов Азиз, 160-қурилиш трести бошқарувчиси, 92-Учинчи микрорайон сайлов округи.

Долгарева Нина Петровна, 1-шаҳар касалхонаси врач-хирурги, 93-Северний сайлов округи.

Соболина Валентина Владимировна, «Гунча» тикув фабрикаси тикувчи мотористка-си, 94-Тўртинчи микрорайон сайлоз округи.

Потуремский Федор Григорьевич, область партия комитетининг секретари, 95-Саккизинчи турар жой райони сайлов округи.

Галиуллин Маҳмуд Ҳафизович, хизматчи, 96-Южний сайлов округи.

Аҳмедхўжаев Турсун Хўжаевич, хизматчи, 97-Чирчиқ сайлов округи.

Агудов Александр Иванович, хизматчи, 98-Восточний сайлов округи.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

Каримов Аббаржон Нажимович, «Нормаль» заводининг директори, 99-Темирйўл сайлов округи.

Копилкова Зоя Васильевна, 2-босмахона печатниги, 100-Киров сайлов округи.

Жиянқулова Парша, мебель фабрикаси ишчиси, 101-Ойбек сайлов округи.

Безрукова Галина Николаевна, пойафзал фабрикаси бичиқчиси, 102-Калинин сайлов округи.

Абдурахимов Қосим, область партия комитети енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири, 103-Янгийўл сайлов округи.

Мамажонов Исмонали, 107-автокорхона шофери, 104-Навоий сайлов округи.

Кондратьева Людмила Ивановна, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, 105-Ленин сайлов округи.

Грошева Клара Афанасьевна, Ёг-мой комбинати катта рафинери, 106-Интернационал сайлов округи.

Галашко Ким Станиславович, область партия комитети маъмурий ва савдо-молия бўлими мудири, 107-Лермонтов сайлов округи.

Анорқулов Аҳмаджон, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 108-Файзобод сайлов округи.

Кузовова Нина Васильевна, биохимия заводи оператори, 109-Янгиҳаёт сайлов округи.

Куртаметова Эмма, 6-қурилиш трести 11-механизациялашган кўчма колоннаси сувоқчиси, 110-Тимирязев сайлов округи.

Ульянова Екатерина Васильевна, алоқа узели электромонтёри, 111-Ортиқов сайлов округи.

Қаюмова Лазокат, озиқ-овқат техникуми директори, 112-Ўзбекистон сайлов округи.

Зокиров Обид Исаевич, шаҳар партия комитетининг секретари, 113-Ленинград сайлов округи.

ЯНГИОБОД ШАҲРИ

Ляпскина Екатерина Сергеевна, 2-кон бошқармаси қурилиш-монтаж бошқармаси кўтарма кран машинисти, 114-Янгиобод сайлов округи.

Хасанов Рифатулла, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 115-Қурилиш сайлов округи.

Тимофеев Константин Михайлович, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, 116-Мактаб сайлов округи.

Плотников Виктор Александрович, Ўзбекистон коммунал-хўжалик министрининг ўринбосари, 117-Гагарин сайлов округи.

Вепренцева Татьяна Владимировна, «Красная Заря» Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиалининг тикувчи мотористка-си, 118-Красногорск сайлов округи.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

Мансурова Назира, «Ленинобод» колхозининг аъзоси, 119-Ленинобод сайлов округи.

Гоипов Содиқ, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 120-Завод сайлов округи.

Султонбоева Ҳайитгул, Ботиновец номли колхоз аъзоси, 121-Тельман сайлов округи.

Қўлдошева Завра Абиловна, «Партия XXII съезди» колхози аъзоси, 122-Хонобод сайлов округи.

Хатамов Эгамназар, район партия комитетининг биринчи секретари, 123-Ломоносов сайлов округи.

Лемехова Любовь Афанасьевна, Ҳамза номли 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, 124-Куйбишев сайлов округи.

Эргашев Ҳасанбой, Х. Олимжон номли колхоз правлениеси раиси, 125-Қўштепа сайлов округи.

Қосимов Ҳасан, «Ташазготхлопкопром» область бирлашмаси бошлиғи, 126-Октябрь сайлов округи.

Бегимқулова Анзират, «Ленинизм» колхози аъзоси, 127-Калинин сайлов округи.

Егоров Виктор Яковлевич, область прокурори, 128-Элгамғали сайлов округи.

Абенова Турсуной Ботировна, «Оққўрғон» совхози ишчиси, 129-Дружба сайлов округи.

Зуфаров Одил, область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири, 130-Оққўрғон сайлов округи.

Каримова Ҳафиза Жалоловна, С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси, 131-Мактаб сайлов округи.

Назаров Анвар Эргашевич, область халқ маорифи бўлимининг мудири, 132-Ильич сайлов округи.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ

Мирисманова Ибодат, «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексининг чорвадор оператори, 133-Дўстлик сайлов округи.

Куданов Абдухолиқ Қурбоналиевич, Тошкент от заводи тракторчиси, 134-Октябрь сайлов округи.

Ибрагимова Зулайхо Абдуқодировна, Куйбишев номли совхоз сут соғувчиси, 135-Ленинчи сайлов округи.

Мавлонова Мақсуда Оллоқуловна, «Оҳангарон» совхози сут соғувчиси, 136-Қорахитой сайлов округи.

Холтўраев Анорбой Мўминович, 12-ўрта мактаб илмий бўлим мудири, 137-Оқча сайлов округи.

Давлатов Мамадали, «Ангрен» совхозининг директори, 138-Облиқ сайлов округи.

Қосимов Абдувоит Кабирович, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 139-Иккилоб сайлов округи.

Шодмонов Эркин Шамсиевич, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, 140-Қўйон сайлов округи.

Абдураимова Холида Масидиқовна, Ворошилов номли совхоз бригадири, 141-Телов сайлов округи.

Икромов Карим, район партия комитетининг биринчи секретари, 142-Санам сайлов округи.

Абдураззоқова Замира, С. Раҳимов номли совхоз сут соғувчиси, 143-Сусам сайлов округи.

БЕКОБОД РАЙОНИ

Қўзиева Файзинисо, «Победа» колхозининг бригадири, 144-Қиёт сайлов округи.

Султонов Абдувоҳоб, Навоий номли колхоз правлениесининг раиси, 145-Бекобод сайлов округи.

Давронова Умринисо, «Коммунизм» колхозининг бухгалтери, 146-Меҳнатобод» сайлов округи.

Жабборова Бахринисо, Дзержинский номли колхоз бухгалтери, 147-Пушкин сайлов округи.

Қозоқбоева Буханипа Ашуровна, «КПСС XXV съезди» совхози сут соғувчиси, 148-Марказий сайлов округи.

Қозоқбоев Қодир, «КПСС XXV съезди» совхози директори, 149-Иккинчи Далварзин сайлов округи.

Очилов Нуриддин, область граждан мудофааси штабининг бошлиғи, 150-Ҳамза сайлов округи.

Рўзматова Адолат, Ленин номли колхоз бригадири, 151-Калинин сайлов округи.

Қодиров Зулқайнар, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 152-Зафар сайлов округи.

Охунов Усмонжон, «Далварзин» совхози шофери, 153-Пахта заводи сайлов округи.

Мамажонова Холинисо, «Далварзин» совхози ишчиси, 154-Биринчи Далварзин сайлов округи.

Жамолов Жалол Жамилович, область ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 155-Учинчи Далварзин сайлов округи.

Холбекова Гулзода, «Авангард» совхози ишчиси, 156-Оҳунбобоев сайлов округи.

Хегай Виктор Николаевич, «Узгоскомсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси, 157-Янгиҳаёт сайлов округи.

Ҳамроева Каромат, Ойбек номли совхоз ишчиси, 158-Чаноқ сайлов округи.

Гуломов Аброр, область қурилиш банки идораси бошқарувчиси, 159-Ленинград сайлов округи.

Панченко Леонид Тимофеевич, район партия комитетининг иккинчи секретари, 160-Тақачи сайлов округи.

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ

Қурбонов Пердебек, Жданов номли колхоз бош агрономи, 161-Қораманас сайлов округи.

Қамбарова Назира «Ленинград» совхози аъзоси, 162-Қўшқўрғон сайлов округи.

Сегизбоев Абдумалик Қанотбоевич, «Қизил ту» колхози шофери, 163-Қизил ту сайлов округи.

Келесбоева Қалампир Жахсинбоевна, Фрунзе номли колхоз сут соғувчиси, 164-Фрунзе сайлов округи.

Мирбобоев Диловар Аъзамович, область магистраль автомобиль йўлларидан фойдаланиш — линия бошқармасининг бошлиғи, 165-Марказий сайлов округи.

Хайдуров Юрий Алексеевич, район партия комитетининг биринчи секретари, 166-Темирйўл сайлов округи.

Безруков Омилхон, Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати фрезерчиси, 167-Новгород сайлов округи.

Сумина Вера Николаевна, Бўстонлиқ сут заводи сут цехининг бригадири, 168-Райпо сайлов округи.

Абдувалиева Халима, «Бўстонлиқ» совхозининг сут соғувчиси, 169-Ғалаба сайлов округи.

Абдурасулов Эргаш, халқ депутатлари Угам қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, 170-Қоранқўл сайлов округи.

Рўзметова Заҳро Алметовна, «Хўжакент» совхозининг ишчиси, 171-Хўжакент сайлов округи.

Айдарқулов Абдухолиқ Абдураҳмонович, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 172-Хумсон сайлов округи.

Кручинин Ким Владимирович, «ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи, 173-Солнечний сайлов округи.

Киршина Раиса Георгиевна, «ЧарвакГЭСстрой» — участкасининг суворчиси, 174-Энергетиклар сайлов округи.

Масловская Нелли Георгиевна Устарасой кони ишчи-хлорловчиси, 175-Бўстонлиқ сайлов округи.

Ибрагимов Наримон Фозилович, область партия комитети, фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири, 176-Бурчмулла сайлов округи.

Қенжаев Жўра, Жаҳонобод участка касалхонаси бош врачи, 177-Дадабоев сайлов округи.

Аҳмеджонов Маҳмуд, область юстиция бўлими бошлиғи, 178-Сижжак сайлов округи.

Акромова Жамоҳат Шоабдуллаевна, Калинин номли колхоз аъзоси, 179-Сойлиқ сайлов округи.

Кисилёва Тамара Прокофьевна, Чирчиқ ойна заводи директори, 180-Искандар сайлов округи.

Имонқулова Забейра, К. Маркс номли колхоз аъзоси, 181-Паргосс сайлов округи.

Валиева Раиса Қосимовна, 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, 182-Товоқсой сайлов округи.

Умаров Йўлдош, Тошкент электр тармоқлари корхонаси директори, 183-Озодбош сайлов округи.

БЎКА РАЙОНИ

Насимова Жамила Носировна, «Ленинобод» колхози аъзоси, 184-Партия XX съезди сайлов округи.

Акромов Эркин Турғунович, 23-қурилиш трести бошқарувчиси, 185-Қорақўйли сайлов округи.

Мирзаева Ҳакима, «Партия XX съезди» колхози аъзоси, 186-Партия XIX съезди сайлов округи.

Ҳожиматов Йўлдош, Ҳамза номли колхоз правлениеси раиси, 187-Ҳамза сайлов округи.

Қодиров Рихси, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 188-Менделеев сайлов округи.

Маматова Турдихон, пахта тозалаш заводининг ишчиси, 189-Марказий сайлов округи.

Аҳмаджонов Маҳмуджон, район партия комитетининг иккинчи секретари, 190-Ленин сайлов округи.

Содиқов Нишонбиби, «Ленин йўли» колхозининг сут соғувчиси, 191-Ленинйўли сайлов округи.

Усеинов Сервер, «Октябрь 40 йиллиги» колхози звено бошлиғи, 192-Киров сайлов округи.

Жарқинбоев Ўроз, Мичурин номли колхоз правлениесининг раиси, 193-Наримонов сайлов округи.

Боева Муҳаббат Шукуровна, Фрунзе номли колхоз аъзоси, 194-Ильич сайлов округи.

Ковалёва Мария Александровна, «Бўка» совхозининг пахтачилик бригадаси бригадири, 195-Оржоникидзе сайлов округи.

Муслимов Умар Ваҳобович область суғориш системалари бошқармаси бошлиғи, 196-Абай сайлов округи.

Махсумов Мамажон, область судининг раиси, 197-Қўқорол сайлов округи.

ҒАЛАБА РАЙОНИ

Турғунбоев Омантурди Қосимович, район партия комитетининг иккинчи секретари, 198-Кўрғончи сайлов округи.

Зокиров Сайдиакрам, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози директори, 199-«Коммунизм» сайлов округи.

Пак Николай Иванович, «Победа» колхози правлениесининг раиси, 200-Волков сайлов округи.

Маманова Нортожи, Энгельс номли колхоз аъзоси, 201-«Победа» сайлов округи.

Шолпанова Насиба Жониқуловна, Киров номли колхоз аъзоси, 202-Комсомол сайлов округи.

Курносова Надежда Феоктистовна, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати бичиқчиси, 203-Герцен сайлов округи.

Раҳмонов Абдулҳоди область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, 204-Саноат сайлов округи.

Бояринова Альбина Федоровна, район туберкулезга қарши диспансер врачи, 205-Кетмонтепа сайлов округи.

Юнусов Ибрагим Юнусович, Свердлов номли колхоз правлениесининг раиси, 206-Свердлов сайлов округи.

Ким Владимир Семенович, Энгельс номли колхоз правлениесининг раиси, 207-Зарин сайлов округи.

Ким Владимир Николаевич, Ленин номли колхоз правлениесининг раиси, 208-Ленин сайлов округи.

Чачи Супхи, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози бригадири, 209-Дўстлик сайлов округи.

Адаманова Фетие Сентябрамовна, Калинин номли 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, 210-Марказий сайлов округи.

Шек Валентин Федорович, область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари, 211-Москва сайлов округи.

Шатуновский Борис Миронович, «Ташкентская правда» газетасининг редактори, 212-Ҳамза сайлов округи.

Ли Флора, Димитров номли колхоз аъзоси, 213-Қизил Октябрь сайлов округи.

Қодиров Абдуҳолиқ «Ленинград» колхози бош агрономи, 214-Ленинград сайлов округи.

Пухова Мария Андреевна, Сергели совхоз саноат комплексининг оператори, 215-Сергели сайлов округи.

Султонова Саринас Халиловна, Киров номли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўқув хўжалиги ишчиси, 216-Навоий сайлов округи.

Дўсбоева Қумри Раимовна, Киров номли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўқув хўжалигининг ишчиси, 217-Киров сайлов округи.

КАЛИНИН РАЙОНИ

Шукурова Турсуной, «Назарбек» совхози амбулатория врачи, 218-Бўстонлиқ сайлов округи.

Котов Валентин Антонович, область комсомол комитетининг иккинчи секретари, 219-Оқтепа сайлов округи.

Аҳмедов Ҳамидулла Аҳматович, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 220-Жарариқ сайлов округи.

Абдуллаев Файзулла, Калинин номли колхоз раиси, 221-«Ёш ленинчи» сайлов округи.

Отахўжаев Толиб Абдуллаевич, «Партия XX съезди» колхози бригадири, 222-Далигузар сайлов округи.

Ҳикматуллаева Гулчеҳра, марказий касалхона туғруқхона бўлимининг мудираси, 223-Қатортол сайлов округи.

Дўсов Йўлдошбой Хўжаҳмедович, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози бригадири, 224-Иттифоқ сайлов округи.

Эргашева Шаҳри Алиёровна, «Иваново» совхози ишчиси, 225-Эркин сайлов округи.

Сандазимова Дилбар Жалиловна, «Иваново» совхози болалар боғчасининг тарбиячиси, 226-Солнечний сайлов округи.

Бекматов Турғун Носирович, «Хасково» совхози директори, 227-Назарбек сайлов округи.

Ризаев Жўра, область статистика бошқармаси бошлиғи, 228-Коминтерн сайлов округи.

Дадабоев Шухрат Отахонович, область ижроия комитети ташкилий инструкторлик бўлимининг мудири, 229-Бўзсув сайлов округи.

Қуролбоева Муҳаббат Текешовна, «Ўзбекистон» парандачилик фабрикаси парандабоқари, 230-Ўзбекистон сайлов округи.

Коленко Виктор Степанович, район партия комитетининг иккинчи секретари, 231-Куйбишев сайлов округи.

Жуманалиева Ирисгул Суванбоевна, Оржоникидзе номли колхоз механизатори, 232-Жалоир сайлов округи.

Бабичова Нелля Федоровна, «Ўзғариш» совхози ишчиси, 233-Ўзғариш сайлов округи.

Миробидова Мавжуда Эгамбердиевна, «Қорасув» совхози 3-болалар боғчасининг энагаси, 234-Хонобод сайлов округи.

Серикбоева Турғуной, «Қорасув» совхози сут соғувчиси, 235-Қўшқўрғон сайлов округи.

Абдуллаева Мақсуда Абдуқодировна, теплица комбинати полизчи мастери, 236-Горький сайлов округи.

Умарова Муҳаббат Тўланбоевна, Свердлов номли совхоз ишчиси, 237-Ўртаовул сайлов округи.

Йўлдошев Ҳасан Амирович, Тошкент гўшт комбинати бош директори, 238-Қорақулдуқ сайлов округи.

Исмонлова Муҳаббат, «Партия XX съезди» колхози аъзоси, 239-Калинин сайлов округи.

Хўжаева Жамила, 34-мактаб ўқитувчиси, 240-Оржоникидзе сайлов округи.

Эрматова Ҳамида Пирматовна, Свердлов номли совхоз ишчиси, 241-Свердлов сайлов округи.

Оллоберганов Умар, Бўзай қишлоқ касалхонаси бош врачи, 242-Бўзай сайлов округи.

КОММУНИСТИК РАЙОНИ

Эм Терентий Васильевич, «Ленинский путь» колхози правлениесининг раиси, 243-Чапаев сайлов округи.

Алимов Акром Пўлатович, район партия комитетининг биринчи секретари, 244-Ийк сайлов округи.

Хван Полина Тимофеевна, «Политотдел» колхози аъзоси, 245-Политотдел сайлов округи.

Жалолов Чўлпон Ҳисомович, «Ташоблколхозстрой» трести бошқарувчиси, 246-Болта сайлов округи.

Шкуратов Александр Иванович, область партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси, 247-Свердлов сайлов округи.

Боздакова Оразгул, Свердлов номли колхоз аъзоси, 248-Ленин сайлов округи.

Қорабоева Қундузой, «Правда» колхозининг аъзоси, 249-Жумабозор сайлов округи.

Ли Флора, Димитров номли колхоз аъзоси, 213-Қизил Октябрь сайлов округи.

Дё Валентин Григорьевич, «Правда» колхози қўйчилик фермасининг мудири, 250-Правда сайлов округи.

Сшизурат Надежда Николаевна, Жумабозор луб заводи ишчиси, 251-Лубзавод сайлов округи.

Исақулова Дамира Исақуловна, район марказий касалхонаси врач-инфекционисти, 252-Марказий сайлов округи.

Пўлатова Ғиилой Ҳамидовна, «Ёшлик» район универмаги сотувчиси, 253-Янгибозор сайлов округи.

Назарова Мастура Миршариповна, «Политотдел» колхози аъзоси, 254-Қарши сайлов округи.

Цой Николай Иванович, халқ депутатлари район совети ижроия комитетининг раиси, 255-Ўзбекистон сайлов округи.

Алимқулова Зарифа, К. Маркс номли колхоз аъзоси, 256-К. Маркс сайлов округи.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ

Бойматова Наима Рашидовна, «Коммунист» колхози аъзоси, 257-Ўнқўрғон сайлов округи.

Пугачева Мария Леонтовна, «Маданият» колхози правлениесининг раиси, 258-«Маданият» сайлов округи.

Пасинкова Валентина Ивановна, «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси бўёқчиси, 259-Селекция сайлов округи.

Ҳолиқова Мақсуда, Ленин номли колхоз аъзоси, 260-Институт сайлов округи.

Моисеенко Ольга Павловна, Тошкент ГРЭСи лабораторити, 261-Солор сайлов округи.

Дроздова Татьяна Петровна, Қибрай пиво алкоголсиз ичимликлар комбинати ишчиси, 262-Студент сайлов округи.

Рашидов Меҳмон, Ленин номли колхоз правлениесининг раиси, 263-Завод сайлов округи.

Акмалхонов Шавкат, чорвачилик институти директори, 264-Жамбул сайлов округи.

Акишева Надежда Васильевна, паррандачилик совхоз техникуми паррандабоқари, 265-Тузел сайлов округи.

Давлатов Ҳамид, область аптекалар бошқармаси бошқарувчиси, 266-Геофизик сайлов округи.

Эргашева Махсума, «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси, 267-ГЭС сайлов округи.

Маҳмудхўжаев Турсун, область молия бўлими мудири, 268-Дўрмон сайлов округи.

Баҳромова Шоира, Р. Мусамуҳамедов номли совхоз заводи ишчиси, 269-Янгиобод сайлов округи.

Йўлдошева Мавжуда Қодировна, «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси, 270-Арғен сайлов округи.

Расулова Обида Меҳмонхўжаевна, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози ишчиси, 271-Қизилту сайлов округи.

Пўлатов Ёқуб, район партия комитетининг биринчи секретари, 272-Қибрай сайлов округи.

Ортиқхўжаев Турсунбой, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 273-Совхоз сайлов округи.

Маҳкамов Носир Маъзумович, Октябрь колхози правлениесининг раиси, 274-Чинобод сайлов округи.

Холмирзаев Қаюм Холмирзаевич, «Қибрай» совхоз заводи директори, 275-Большевик сайлов округи.

Валишин Марс Шайхитдинович, Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси директори, 276-Май сайлов округи.

Сулаймонова Азиза Маҳмудовна, «Химик» совхози оператори, 277-Химик сайлов округи.

Хўжаев Аъло Махсумович, область партия комитетининг секретари, 278-Санатория сайлов округи.

Каримова Муҳайё, «Правда» колхози бухгалтери, 279-Байтиқўрғон сайлов округи.

Ираева Соҳиба, «Правда» колхози аъзоси, 280-Октябрь сайлов округи.

Дулин Аскольд Петрович, «Ташкентдострой» трести бошқарувчиси, 281-Мичурин сайлов округи.

Муҳаммадьяров Ҳусаин Ҳасанович, хизматчи, 282-Оқ олтин сайлов округи.

ИШЛАРИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ!

(Боши 2-бетда).

ПАРКЕНТ РАЙОНИ

Ғаниева Ҳолида Шукуровна, область совет партия активи касалхонаси бош врачи, 283-Жамбул сайлов округи.

Икматов Асатилла Исматович, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 284-Қорақалпоқ сайлов округи.

Фофанов Виктор Николаевич, «Паркентводстрой» трести бошқарувчиси, 285-Гулистон сайлов округи.

Ҳайтқулова Меҳринисо Аҳатовна, 4-богдорчилик совхози сут соғувчиси, 286-Дзержинский сайлов округи.

Муталов Собир, область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи, 287-Димитров сайлов округи.

Миржамолова Мукамбар Мирўғлаевна, пахта фабрикаси тикувчиси, 288-Самарқанд сайлов округи.

Ашурова Санобар, 3-узумчилик совхози сут соғувчиси, 289-Коммуна сайлов округи.

Мансуров Абдулҳай, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг секретари, 290-Сурхи сайлов округи.

Ўразбоева Марҳамат, Ленин номли колхоз аъзоси, 306-Ленин сайлов округи.

Назарқулов Абдуғани, «Гулистон» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, 307-Гулистон сайлов округи.

Турсунова Лолабуш, Тельман номли колхоз аъзоси, 308-Тельман сайлов округи.

Раҳимов Бахтиёр Сафоевич, «Ташоблгаз» газ таъминоти ва газлаштириш бўйича область ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, 309-Калинин сайлов округи.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

Зоҳидов Шариф — область давлат банки идораси бошқарувчиси, 310-1-Май сайлов округи.

Бистрова Алефтина Андреевна, тажриба қурилиш ремонт ишлаб чиқариш корхонаси марказий базасининг слесарь, 311-Дзержинский сайлов округи.

Филиппов Алексей Иванович, «Ташоблмедноводстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи, 312-Лихачев сайлов округи.

Махатов Турднали Ҳасанович, пахта тозалаш саноати марказий илмий текшириш институти тажриба пахта заводининг тракторчиси, 313-Пролетар сайлов округи.

Рўзматов Миразиз, Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси, 314-Охунбобоев сайлов округи.

Умаров Хожимурод Толибжонович, халқ депутатлари область совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 315-Авангард сайлов округи.

Пўлатова Мукаррам Хожиевна, Ким Пен Ҳва номли колхоз аъзоси, 316-Оржоникидзе сайлов округи.

Тё Алексей, Ким Пен Ҳва номли колхоз правлениесининг раиси, 317-Ўзар сайлов округи.

Назанова Раъно Бозорбоевна, «Северний маяк» колхози аъзоси, 318-Северний маяк сайлов округи.

Валиев Турғун Абдуғаниевич, область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири, 319-Свердлов сайлов округи.

Деҳқонбоева Машкура, Ленин номли колхоз аъзоси, 320-Ленин сайлов округи.

Ғофурова Муҳтарам Қосимовна, К. Маркс номли колхоз аъзоси, 321-Қорасув сайлов округи.

Ҳасанова Умри — Терешкова номли колхоз правлениесининг раиси, 322-Равотак сайлов округи.

Умарова Муборак Абубакировна, Энгельс номли колхоз аъзоси, 323-Совет сайлов округи.

Ўрмонова Ҳайри Умаровна, Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институтининг директори, 324-Правда сайлов округи.

Йўлдошева Гульнора Ботировна, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 325-Тўлибўғиз сайлов округи.

Ким Василий, Тўйтепа металл конструкциялари заводи пайвандловчиси, 326-Янгиҳаёт сайлов округи.

Селезнев Юрий Павлович, хизматчи, 327-сайлов округи.

Усеинов Эшреф, «Горняк» совхози ишчиси, 328-Горняк сайлов округи.

Смольникова Валентина Васильевна, Тўйтепа алоқа узели телефонистраси, 329-Коммунистик сайлов округи.

Спиридонова Алевтина Аркадьевна, туғруқхона акушер-гинекологи, 330-Пушкин сайлов округи.

Бердиева Дилором Алимовна, 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, 331-Калинин сайлов округи.

Файзиев Сайдимухтор, область матлубот жамияти правлениеси раиси, 332-Ойбек сайлов округи.

Мирёқубов Тўлқин Мирҳолиқович, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 333-Пахтаобод сайлов округи.

Эшмуродов Ўролбой Худойбердиевич, «Ленин йўли» колхози тракторчиси, 334-Ленин йўли сайлов округи.

Шодиев Ҳотам, А. Икромов номли колхоз бригадири, 335-Ангор сайлов округи.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

Камолова Мамлакат, Абдурахмонов номли совхоз ишчиси, 336-Қирариқ сайлов округи.

Ҳамидов Раҳмат, район марказий касалхонаси бош врачи, 337-Келес сайлов округи.

Абдусамадова Маъсуда Зокировна, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати тикувчиси, 338-Қорасарой сайлов округи.

Муҳамеджонова Саломат, область касаба союзлари советининг секретари, 339-Завод сайлов округи.

Нуриддинов Анвар, полиз-сабзавотчилик экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институти директори, 340-Кўксарой сайлов округи.

Қулманова Зубайра Эргашевна, «Тошкент» совхози ишчиси, 341-Шамсиобод сайлов округи.

Анварова Маъмура Нигматовна, 4-мактаб ўқитувчиси, 342-Киров сайлов округи.

Жалилов Зоир, Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси, 343-Охунбобоев сайлов округи.

Муҳамеджонов Сидиқ, «Ленин йўли» колхози правлениесининг раиси, 344-Ленин йўли сайлов округи.

Боймуҳамедов Нодир Саматович, Навоий номли колхоз правлениесининг раиси, 345-Навоий сайлов округи.

Мусаханов Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович, область партия комитетининг биринчи секретари, 346-Собир Раҳимов сайлов округи.

Нўлчиева Айтби Смаиловна, С. Раҳимов номли колхоз аъзоси, 347-Кўктерак сайлов округи.

Маҳмутов Турғунбой Боқибоевич, С. Раҳимов номли колхоз 2-далачилик бригадасининг бошлиғи, 348-Ҳамид Олимжонов сайлов округи.

Туропова Марҳамат, Ленин номли колхоз сут соғувчиси, 349-Ленин сайлов округи.

Ҳантбоева Наима Сайдалиевна, Ильич номли колхоз аъзоси, 350-Қизил Юлдуз сайлов округи.

Юсупова Оқила Умаровна, область савдо бошқармасининг бошлиғи, 351-Шарқ ҳақиқати сайлов округи.

Мирзаева Тожи, К. Маркс номли колхоз сут соғувчиси, 352-Юнусобод сайлов округи.

Толипов Юсуф, район партия комитетининг биринчи секретари, 353-Қизил Октябрь сайлов округи.

Зокиров Фахриддин, Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тракторчиси, 354-Шредер сайлов округи.

Топольский Юрий Игоревич, боғлар ва узумзорлар учун машиналар бўйича махсус конструкторлик бюроси слесари, 355-Оржоникидзе сайлов округи.

Мирзаев Турғун, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози правлениесининг раиси, 356-Ғафур Ғулом сайлов округи.

Абдувалиев Аъзам Қирғизбоевич, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 357-Ватутин сайлов округи.

Аҳмедова Инобат, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, 358-Энгельс сайлов округи.

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич, Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 359-Куйбишев сайлов округи.

ЧИНОЗ РАЙОНИ

Зокирова Раҳима, район марказий касалхонаси врачи, 360-Чиноз сайлов округи.

Гараев Вячеслав Николаевич, қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинати директори, 361-Завод сайлов округи.

Бузруков Улуғ, область партия комитети молия хўжалик бўлимининг мудири, 362-Янгичиноз сайлов округи.

Жўраева Ҳуринисо Мирзаҳакимовна, К. Маркс номли колхоз аъзоси, 363-Мичурин сайлов округи.

Мирзаева Бувсолиҳа Солибековна, К. Маркс номли колхоз аъзоси, 364-Коминтерн сайлов округи.

Очилов Жўра, Қизил Октябрь колхози правлениесининг раиси, 365-Йўлтушган сайлов округи.

Турғунбоева Сафаргул, Охунбобоев номли колхоз аъзоси, 366-Яллама сайлов округи.

Азимов Комил, Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси, 367-Охунбобоев сайлов округи.

Исақулова Карима Баубековна, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози бригадири, 368-Ўзбекистон сайлов округи.

Антонов Виктор Александрович, область партия комитетининг иккинчи секретари, 369-Железнодорожний сайлов округи.

Бойназаров Эгамберди, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 370-Олмазор сайлов округи.

Гусаков Николай Иванович, «Чиноз» наслчилик совхоз техникумининг директори, 371-Техникум сайлов округи.

Зекерьяев Энвер, «Чиноз» наслчилик совхоз техникуми тракторчиси, 372-Племсовхоз сайлов округи.

Шамшиев Есжон, Энгельс номли колхоз правлениесининг раиси, 373-Собир Раҳимов сайлов округи.

Размаев Владимир Григорьевич, район партия комитетининг иккинчи секретари, 374-Тельман сайлов округи.

Ғоипбоева Муҳтабар, Навоий номли колхоз аъзоси, 375-Октябрь сайлов округи.

Деҳқонова Шарват, «Москва» колхози аъзоси, 376-Эски Тошкент сайлов округи.

Алиқулова Ҳайитгул, Киров номли колхоз аъзоси, 377-Киров сайлов округи.

Саъдуллаев Раҳматулла, Жамбул номли қўйчилик совхози директори, 378-Аччиқўл сайлов округи.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

Асҳўжаева Жамила Йўлдошевна, «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси, 379-Куйбишев сайлов округи.

Жалолова Муҳаббат Туроповна, «Коммунизм» колхози аъзоси, 380-Фрунзе сайлов округи.

Султонов Ғулом, «Ленинизм» колхози пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси, 381-Жданов сайлов округи.

Шубладзе Исмоил, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси, 382-Ленинизм сайлов округи.

Абдурахмонова Фароғат Абдусаторовна, «Ленинизм» колхози бригадири, 383-Нов сайлов округи.

Муҳамедова Гулнора Абдурахмоновна, Ленин номли колхоз аъзоси, 384-Ленин сайлов округи.

Авазов Нишонали, Ленин номли колхоз правлениесининг раиси, 385-Қизил Октябрь сайлов округи.

Саломов Маматқул 6-қурилиш трести бошқарувчиси, 386-«Оқ олтин» сайлов округи.

Ҳожибоева Санобар Рихсибоевна, Ленин номли колхоз аъзоси, 387-Пахта сайлов округи.

Мадалиев Фозил, Н. Ниёзов номли колхоз правлениесининг раиси, 388-Ниёзов сайлов округи.

Атобоев Рустамали, У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмасининг тракторчиси, 389-Халқаобод сайлов округи.

Ҳоназаров Жўра, У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, 390-Петров сайлов округи.

Тошбеков Баҳром, область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, 391-Навоий сайлов округи.

Эрматова Малоҳат Валижоновна, «Партия XXI съезди» колхозининг бузоқбоқари, 392-Чаҳчам сайлов округи.

Тиловбоева Жамила, Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоси, 393-Шўралисой сайлов округи.

Тўлаева Фотима, 7-Октябрь тажриба механика ремонт заводининг бўёқчиси, 394-Энгельс сайлов округи.

Аҳмедов Саидориф, «Ташсадвинсовхоз» область трестининг бошқарувчиси, 395-Бўзсув сайлов округи.

Алиқулова Лёля Шириновна, район партия комитетининг биринчи секретари, 396-Калинин сайлов округи.

Ортиқбоева Роза Турсуновна, Калинин номли колхоз правлениесининг раиси, 397-Эски Қовунчи сайлов округи.

Валиев Акмал Абдувалиевич, область план комиссиясининг раиси, 398-Жамбул сайлов округи.

Турақулова Жамила Қонғлибоевна, «Интернационал» колхозининг аъзоси, 399-«Интернационал» сайлов округи.

Шурова Людмила Георгиевна, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий текшириш институтининг катта илмий ходими, 400-Гулбаҳор сайлов округи.

ҚАШҚАДАРЁНИНГ 600 МИНГ ТОННА ПАХТАСИ УЧУН

(Боши 1-бетда).

Бу — пахта етиштиришнинг муттасил кўпайтириш, меҳнат сарфини камайтириш, экинзорларнинг самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Қарши районининг меҳнаткашлари ўтган йили гектар бошига 38,3 центнердан «оқ олтин» олиб, областдаги ўртача кўрсаткичдан тўққиз центнер ўзиб кетди.

Ҳали техника ҳамма жойда ҳам пахтакорларнинг худди шундай ишончли ёрдамчиси бўлиб қолмаганлиги сабабли ҳам бу тажрибани кенг оммалаштириш керак, дейишди қурултой қатнашчилари. Бир қанча хўжаликларда техниканга етарли баҳо берилмаётганлиги, пахтачилик суст механизациялаштирилганлиги сабабли пахта етиштириш секинлик билан кўпаймоқда, унинг таннархи эса пасайиш у ёқда турсин, ҳатто ошиб бормоқда.

Қурултойда таъкидлаб ўтилганидек, областда пахтачиликни ривожлантириш проблемалари ирригация қурилиши билан, қўриқни комплекс ўзлаштириш билан чамбарчас боғланган. Бултур Қарши даштининг иккинчи навбати ўзлаштирила бошланди. Бу ерда партия XXV съездининг қарорларига мувофиқ пахта етиштириладиган янги катта зона вужудга келтирилмоқда. Ҳозирдаёқ бу ерда шу йилги ҳосил учун ўн минг гектар ер тайёрлаб қўйилди. «Средазирсовхозстрой» системасининг Қарши даштидаги янги ерларда ташкил этилган совхозлари бу йил жами 200 минг тоннадан кўпроқ — Қашқадарё пахтазорлари ҳамма маҳсулотининг учдан бир қисмига тенг «оқ олтин» етказиб беради. Қўриққа ҳужум қилаётган кишиларга энг кўп эътибор бериш, янги ерларни ўзлаштирувчиларга меҳнат қилиш ва яшаш учун жуда яхши шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Ҳозир область пахтакорлари беш йилликни якунлайдиган бўлғуси ҳосил тўғрисидаги ғамхўрлик билан яшамоқдалар. Кўкламги дала ишларини бошлашга намунали ҳозирлик кўриш, бу ишларни ҳар томонлама шай бўлиб кутиб олиш — бош вазифадир. Асосий умид—механизмларда. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларнинг машина парклари кўпайтирилмоқда. Техниканинг ҳаммаси ишга ўз вақтида ва сифатли тахт қилиб қўйилиши, бутун мавсум мобайнида самарали фойдаланилиши керак. Бунинг учун яна камида 3 минг механизатор ўқитилиши лозим. Алмашлаб экишни ўзлаштиришга, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулларини жорий этишга катта эътибор берилиши керак.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қурултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этди.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йили учун якдиллик билан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Қашқадарёнинг 600 минг тонна пахтасини йиғиб-териб давлатга сотишга аҳд қилинди.

1980 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ҲАҚИДА

АХБОРОТ

1980 йил 24 февралда халқ депутатлари Тошкент область Советига бўлиб ўтган сайловлар умумий сайловчилар сонининг 99,96 процентини овоз берди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 48-моддасига мувофиқ сайлов комиссияси барча сайлов округлари бўйича сайланган 400 депутатни рўйхатга олди.

Сайланганларнинг 195 нафари ёки 48,7 проценти коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун сайловларда қатнашган умумий сайловчилар сонининг 99,96 процентини овоз берди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 48-моддасига мувофиқ сайлов комиссияси барча сайлов округлари бўйича сайланган 400 депутатни рўйхатга олди.

Сайланганларнинг 195 нафари ёки 48,7 проценти коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун сайловларда қатнашган умумий сайловчилар сонининг 99,96 процентини овоз берди.

Сайловлар СССР халқларининг қардошларча енгилмас дўстлигини ҳамда область меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинча Марказий Комитети атрофидаги монолит бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

Халқ депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўйича область сайлов комиссияси.

аёллар, 176 нафари ёки 44 проценти партиясизлар, 127 нафари ёки 31,8 проценти ишчилар, 98 нафари ёки 24,5 проценти колхозчилар, 192 нафари ёки 48 проценти биринчи бор сайланган депутатлардир.

Сайловлар СССР халқларининг қардошларча енгилмас дўстлигини ҳамда область меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинча Марказий Комитети атрофидаги монолит бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

Халқ депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўйича область сайлов комиссияси.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

АНИҚ РЕЖАЛАР

Республикамиз пойтахтининг Ҳамза районидаги меҳнаткашлари ленинча коммунистик шанбаликка пухта тараддуд кўрмоқдалар. Райондаги барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари, маҳаллалар аҳолиси умумхалқ ҳашари зўр уюшқоқлик билан ўтиши учун барча тадбирларни белгилаб қўйишди. Шанбаликда ўнларча минг меҳнаткашлар иштирок этадилар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда 60 минг ишчи ва бинокорлар меҳнат қўйнида бўлади. Шу жумладан, 48 мингдан ортиқ киши корхоналарда станокларни бошқаришади. 12 мингдан знёд бунёдкор эса қурилиш объектларини барпо этиш билан шуғулланади. Умумхалқ ҳашари куни район бўйича қами билан 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш назарда тутилянти. Бундан ташқари, салкам 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Райондаги қатор корхоналар коллективлари шанбаликда барча маҳсулотни ёки унинг анчагина қисмини тежалган хом ашё, электр энергияси ҳисобига тайёрлашмоқчи. Шу куни қами билан 233 минг сўмлик саноат маҳсулоти иқтисод қилинган материаллар эвазига ишлаб чиқарилади. 200 минг сўмликдан ошиқ иш ҳақи тушади ва унинг ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилади.

Шанбаликда район территорияси кўчалари ва хиёбонларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. 50 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, гул ва буталар ўтказилади. Мингдаб километр узунликдаги ирригация шохобчаларини тартибга келтирилади.

С. СУЛТОНОВ.

ПХР. Социалистик қурилиш йилларида Польшада автомобиль саноати ривож топди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар чет элда ҳам юксак қадрланади. Суратда: Бельско-Бяла шаҳридаги корхона цехларидан бирида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҚЎПОРУВЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

КОБУЛ, 25 февраль. (ТАСС). Афғонистон радиоси, телевидениеси ва матбуоти бугун Покистон территориясидан Афғонистонга қарши қилинаётган қўпорувчилик ҳаракатларини фош этишга кўп эътибор бермоқда. Телевидение Кобулда қўлга олинган бир гуруҳ покистонлик қўпорувчиларни, улардан топилган радиотехника ва қурол-яроғларни, шунингдек Кобулдаги махфий омборларда яширилган қўйилган қурол-яроғларни кўрсатди.

Бўлиб ўтган воқеалар натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча киши қурбон бўлган. Телевидение террорчилардан азият чеккан афғон граждани билан қилинган суҳбатни эшиттирди, вайрон бўлган магазинлар ва уй-биноларни кўрсатди. АҚШ ва Покистоннинг қора гуруҳчи кучлари тинч аҳолига қарши террорчи шайкалар ҳамда ҳаракатларнинг идҳомчилари ва ташкилотчилари бўлганликлари таъкидлаб ўтилди.

Афғонистоннинг ватанпарварлик кайфиятидаги руҳэнийлари радио орқали гапириб, аҳолини қўпорувчи унсурларнинг ғиғвогарликларига учмасликка чақирди. Бир гуруҳ қўпорувчилар қўлга олинди, тергов органларига топширилди. Афғонистон халқ милицияси билан афғон армиясининг бўлинмалари Кобул кўчаларида соқчилик қилиб юрибдилар.

Кобул шаҳрининг меҳнат аҳли Афғонистон пойтахтидаги вазиятни ишдан чиқаришга уринган аксилинқилобчи унсурларнинг кирдикорларига кескин қарши чиқмоқда, деди АДР Революцион кенгаши раисининг ўринбосари, шаҳардаги вазиятни нормаллаштириш учун тузилган фавқулодда комиссия раиси Асадулло Саввари.

Газандалар ва қотиллар, деб таъкидлади у, разилона усулларни ишга солиб, оммавий тартибсизлик чиқаришга, шаҳарнинг нормал турмушини бузишга уриндилар. Улар Кобулдаги меҳмонхоналардан бирида ёнғин чиқардилар, ўт ўчирувчилар воқеа содир бўлган жойга етиб келганларида уларга қараб ўт очдилар, троллейбус паркига ва нон комбинатига ҳужум қилишга уриниб кўрдилар, аммо шу корхоналар ишчилари билан ватанпарварларнинг қуролли отрядлари уларга муносиб зарба бердилар.

Бизнинг қўлимизда халқаро империализм ва реакция кучларининг, аввало АҚШ, Хитой, Миср ва Покистоннинг бу воқеаларга дахлдор эканликлари тўғрисида етарли далиллар бор, деди Саввари. Ушланган ва қамоққа олинган кишиларнинг 90 процентдан кўпроғи шаҳарга бошқа жойлардан яширинча суқулиб кириб олган кишилардан иборат, деб уқтирди у. Уларнинг кўплари мамлакатга Покистондан келганлар ёки махсус қўпорувчилик усулларини ўрганиш учун турли вақтларда у ёрга бориб келганлар. Қамоққа олинганлар ёнидан кўп миқдорда қурол-яроғ топилди, бу қурол-яроғлар асосан Хитойда ва Америкада ишлаб чиқарилган, деди А. Саввари. Бундан ташқари, улардан портлатувчи қурилмалар, ёндирувчи суюқлик солинган шиша идишлар, чет эл валютасида кўп миқдорда пул топилди. Қўпорувчиларнинг бир неча гуруҳини қамоққа олиш пайтида Америкада ва Ғарбий Германияда ишлаб чиқарилган ихчам қабул қилиш—эшиттириш қурилмалари, ҳукуматга қарши гиж-гижловчи гаплар ёзилган магнитофон лентолари тортиб олинди.

Бироқ, халқ милицияси, партия активлари, пойтахт аҳолисининг кучи билан аксилинқилобчиларнинг ва чет элларда турибуларга ҳомийлик қилаётганларнинг АДРдаги турмушни нормаллаштириш жараёнига халақит бериш йўлидаги уринишларни барбод қилинди, деди А. Саввари. Ҳозир шаҳардаги вазият кўп даражада нормаллаштирилди, деярли ҳамма магазинлар, устахоналар очилди, барча министрликлар ва идоралар ишлаб турибди, бозор гавжум.

Кобулнинг меҳнат аҳли революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ниятида эканини ва янги турмуш қуришга азму қарор бергانлигини ўтган кунлардаги воқеалар кўрсатди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

ТЕҲРОН, 25 февраль. (ТАСС). Форс агентлигининг хабар қилишича, Эроннинг собиқ шоҳ жиноятларига ва АҚШнинг Эрондаги фаолиятига нисбатан даъволарини кўриб чиқувчи Халқаро комиссия аъзолари кеча Эрон президенти А. Банисадр билан ҳамда ташқи ишлар министри С. Қутбзода билан учрашдилар. Бу учрашувларда комиссиянинг иш программаси муҳокама қилинди.

С. Қутбзода Эрон маъмурлари комиссиянинг фаолиятига аралашиш ниятида эмасликларини журналистларга айтган. Гаровга олинганлар тўғрисида гап борада, албатта, деб илова қилди у. Лекин бу масала комиссия аъзоларининг иши билан ҳеч бир алоқадор эмас, бу масала Америка маъмуриятининг айтганларига зид ўлароқ комиссия ишининг кун тартибига киритилмаган ва унинг ихтиёрига кирмайди, деган у.

Оятилло Ҳумайни идораси шоҳ режимидан жаб-жафо кўрганларга ва ҳалок бўлганлар онла аъзоларининг ҳаммасига мурожаат этиб, шоҳ ва унинг америкалик гумашталари жиноятларининг шоҳидлари сифатида Теҳронга келишга даъват қилди.

НЬЮ-ЙОРК, 25 февраль. (ТАСС). Эроннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Мансур Фархан Америка Си-Би-Эс телевизион компаниясининг программасида гапириб, Эрон ҳукумати Эрон халқининг одилона талаблари қондирилган тақдирдагина Америка-Эрон муносабатларидаги танглик тинч йўл билан ҳал этилади, деб билади, деди. Шу муносабат билан, деди у, Эроннинг собиқ шоҳ жиноятлари ҳамда Қўшма Штатларнинг Эрондаги фаолиятига нисбатан даъволарини кўриб чиқувчи Халқаро комиссия тузилиши танглиги бартараф этиш йўлида босилган муҳим қадамдир. Аммо бу нарса Америка томонининг даъво қилаётганидек, гаровга олинганлар ўз-ўзидан бўшатиб юборилишини билдирмайди, деб таъкидлади Эрон вакили. Ушбу масала юзасидан Эрон халқининг ўзигина қарор қабул қилишга ҳақлидир. Комиссия ишининг натижалари апрель ойида Эрон янги парламентининг муҳокамасига қўйилади ва шу парламент танглиги ҳал этиш йўллари хусусида узил-кесил қарор қабул қилади.

Эрон ҳукумати Халқаро комиссия тергов фактларига одилона баҳо бериб, собиқ шоҳ жиноятчи деган хулосага, собиқ шоҳ Эрон одил судига келтирилсин ва у талаган бойликлар қайтарилсин деган талабларимиз қонуний ва асосли деган хулосага келишини кутмоқда, деди Фархан. Биз Қўшма Штатлар билан шоҳ давридаги Эрон ўртасида 1953 йилда Марказий разведка бошқармаси ташкил қилган тўнтаришдан, Қўшма Штатлар 1958 йилда САВАК охранкасини тузганидан, Никсон-Киссинжернинг Эрон жамиятини талаш, уни эксплуатация қилиш ва ахлоқини бузишни кўзда тутувчи планидан тортиб, ниҳоят бултур Эрондаги революцион қураш ўз поёни сари бораётганда Қўшма Штатлар шоҳ режимини қўллаб-қувватлаганига қадар муносабатлари ҳақиқий башарасини фош қилишни ҳам истаймиз.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Сўнгги вақтларда Бостон шаҳрида қимматчилик кескин ошмоқда. Сўнгги ўн йил ичида қимматчилик қариб икки баравар ўсди. Ўтган йилнинг ўзидагина электрдан фойдаланиш тарифлари 52,4 процент, шаҳар транспортида қатнов ҳақи 20,5 процент қўтарилган. «Бостон глоб» газетасининг таъкидлашича, Бостонда қимматчилик ўсиш суръатлари бултур 1946 йилдан буён ўтган давр ичида рекорд даражага етган.

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг ташқи қарзи 7,3 миллиард долларга етган, деб хабар беради «Пакистан таймс» газетаси. Келгусида бу рақам янада ошиб кетади, деб таъкидлашмоқда. Мутахассисларнинг чамаларига кўра, келаси молия йилида Исломобод чет давлатлардан камида икки миллиард доллар қарз олиши керак бўлади.

ТАСС, 25 февраль.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Шу йилнинг баҳорида Ўрта Осиёдаги йирик илм-фан даргоҳларидан бири ҳисобланган Тошкент политехника институти ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Бу сана ҳар томонлама катта тайёргарлик билан кутиб олинмоқда.

Олий ўқув юртининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун тўрт миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Қатор лабораториялар электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминланди.

Шу билан бирга институтнинг ўқув илмий-ишлаб чиқариш устахоналари корпуси қурилди. Эндиликда эса олий ўқув юрти илмий марказининг лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу даргоҳ электрон ҳисоблаш марказига ҳам эга бўлади.

А. АЛИЕВ.

М. Турғунбоева номли «Баҳор» ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Миркаримова ансамбль қатнашчиларининг янги рақсларини кузатмоқда.

С. Маҳкамов фотолари.

Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Ҳар йилнинг февраль ойи охирларида ўсмирлар ўртасида футбол бўйича халқаро турнир ўтказиш анъана бўлиб қолди. Кеча пойтахтимиздаги «Пахтакор» Марказий стадионида ўсмирлар ўртасида X халқаро турнир байроғи тантанали суратда кўтарилди. Қиш — қишлигини қилиб қор учқунлаб турган бўлишига қарамай, кўплаб футбол мухлислари бу йил биринчи марта стадион трибуналаридан жой олдилар. Музика садолари остида майдонга бирин-кетин командалар чиқиб келади. Ишқибозлар турнир иштирокчилари СССРнинг биринчи терма командаси, Чехословакия, Польша, Венгрия, Болгария, Финляндия, Германия Демократик Республикаси, СССРнинг иккинчи терма командаси, РСФСР ва Ўзбекистон спортчиларини самимий қутладилар.

Турнирнинг бош судьяси, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья Виктор Вишинский ташкилий комитетга рапорт беради.

Халқаро турнир байроғи кўтарилгач, майдонга СССРнинг биринчи терма командаси билан Германия Демократик Республикаси футболчилари тушадилар. Ўйин совет спортчилари устунлигида ўтди ва 2:1 ҳисобида тугади.

Кеча Қибрай поселкаси спорт комплексида Чехословакия ва Ўзбекистон спортчилари учрашдилар. Меҳмонлар 2:0 ҳисобида устун келишди. Ўзбекистон ССР 5 йиллиги номли совхоз стадионида Венгрия — Болгария командалари учрашдилар. Венгрия ўсмирлар командаси 2:1 ҳисобида устун келди. Финляндия — Польша ўйини 4 мартга қолдирилди.

Бугун Қибрай стадионида СССР-1 — Венгрия, «Старт» стадионида РСФСР — ГДР, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози стадионида СССР-2—Финляндия, «Текстильщик» стадионида Польша — Чехословакия командалари учрашуви бўлади.

СССР КУБОГИ УЧУН

Бугун Сочи, Ужгород, Боку, Ереван, Тбилиси, Душанба ва Фарғона шаҳарларида СССР кубоги учун ўйинлар бўлади. Ўтган куни эса Самарқандда олти команда биллур соврин учун дастлабки ўйинларни ўтказди. Донецкнинг «Шахтёр» футболчилари Симферополнинг «Таврия» командасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Заря» — «Кузбасс» ўйинида ҳам шундай натижа қайд этилди. Ворошиловград футболчилари ғолиб келдилар. «Черноморец» — «Спартак» (Нальчик) учрашувида ҳисоб очилмади.

ГАЗАНДАЛАР ТЎДАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

НОТИНЧ ТУН

Февраль ойининг сўнгги куни Жўра ака Унаров оиласи бошига ташвиш тушди. Оила бошлиғи, 14-Хўжакент совхози директори эҳтиётсизлик оқибатида аварияга учради. Гарчи «Жигули» пачоқ-пачоқ бўлиб кетган бўлишига қарамай, яхшиямки ўзи соғ қолди.

— Бола-чақамиз бахтига ўзингиз омон қолибсиз, шунга шукур қилинг дадаси,—юпатган бўлди рафиқаси турмуш ўртоғини.

— Падарига лаънат машинани, иккинчи минганим бўлсин. Устини ёпиб қўй, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам,— кўл силтаганча ичкарига кириб кетди директор.

Унаровнинг қарори қатъий эди. Шунинг учун ҳам бўлган воқеадан автоинспекция ходимларини хабардор қилмади. Аммо, тешик қулоқ— машъум хабар тезда қишлоқка ёйилди. Бу гап қотиллар тўдаси бошлиғи Ўринбой қулоғига ҳам етиб борди. «Эчкига жон қайғу, қассобга мой» деганларидек, бир-икки ҳафта ўтказиб, Жўра акаларникига йўл олди.

— Бир жойли одаммиз, эшитиб жуда ҳафа бўлдим, ака,—тилёғламликка ўтди Ўринбой Исроилов.— Қўлимдан келганича ёрдамлашай деб, ҳузурингизга келдим.

— Кўнгил сўраганингиз учун раҳмат. Лекин машина минмоқчи эмасман энди,— гапни чўрт кесди Унаров.

— Узингиз ҳайдамасангиз, жиянлар бор. Ҳовлини хира қилиб ётаверадими, ремонт қилдириб қўйинг, қўлимда яхши усталар ишлайди, заводдан чиққандек қилиб тузатиб беришади. Корпусини, двигателини ўзгартсак бўлди-да,— бўш келмади инженер.

— Қандай бўларкин...

— Буёғидан ташвишланманг. Эртага усталарни олиб келаман, фақат уйда бўлсангиз бўлгани.

Аҳдлашилгандек, эртаси кун узун-киска бўлиб Ўринбой, Розе ҳамда Рихсибой Унаровлар хонадонида ҳозир-у, ноғир бўлишди. Томонлар тезда уч минг сўмга келишишди-да, шу билан ҳайрлашилди.

...Кеч бўлиб, соат 10 ларга яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, Тошкент вокзалида ҳаёт қайнайди. Ғиз-ғиз у ёқдан бу ёққа ўтиб турувчи машиналар кети узилмайди. Ким қариндош уруғини сафарга кузатади, ким кутиб олади. Бекатда турган йўловчилар ичида икки киши ажралиб туради. Улар кўринишдан нимадандир бетоқат, бир жойда тинч туришолмайди, у ёққа юришади, бу ёққа. Гоҳо йўл ўртасига тушиб, транспорт кетидан югуришади. Синчковлик билан кузатган киши уларнинг ҳатти-ҳаракатидан фақат «Жигули» автомашинасини тўхтатмоқчи бўлишаётганини сезиш қийин эмас.

Тўқ зангори рангли 2103 маркали «Жигули» бекатдан 10—15 метрлар чамасида тўхтаганини кўриб, йигитлардан бири ўша ёққа югурди. Иккинчиси эса одамларда шубҳа туғдирмаслик мақсадида оҳиста унга эргашди.

— «Қорасув» массивига обориб қўйсангиз...

Убайдулла Адҳамов рози бўлди.

ТНЛ 62—20 машинаси оҳиста ўрнидан қўзғалди. Саноқли дақиқалар ичида гавжум, серқатнов шаҳар кўчалари, осмонўпар бинолар ортда қолиб, халқа йўлга чиқиб олинди. Оржоникидзе район территориясидаги 21-қишлоқ профессионал техника билим юрти дарвозаси томон бурилган «Жигули» ичидан гумбирлаган милтиқ овози эшитилди-ю, машина тақ-тақ тўхтади. Бир зумда йигитлардан бири машинадан тушиб, орқага ўтди, багажни очди. Иккинчиси эса алланарсани кўтариб, унга яқинлашди. Икковлон «юкни жойлаштириб, машинага чиқишди...

Худди шу куни, шу пайтда авиасозлар шаҳарчаси яқинида яна бир қотилликка қўл урилди. Юрий Розе ва Сергей Кимлардан фарқли ўлароқ Лунгу ва Клюйколарни ГАЗ-24 «Волга» машинаси қизиқтираради. Бекобод техника хизмати кўрсатиш станцияси инженери, қотиллар тўдаси бошлиғи Ўринбой Исроилов Розе «механизм»нинг бу иккки аъзоси зиммасига ана шундай машина топиб келтириш вазифасини юклаганди.

«Светлана» магазини ёнида навбатдаги «ўлжа»ни илинтирган Клюйко билан Лунгу юқорида эслатиб ўтилгандек авиасозлар шаҳарчасининг хилват, пастқам жойида ТНО машинасини тўхтатишади. Ҳайдовчи Баҳром Юсуповни пичоқ ўхталиб, зўрлик билан багажга қамаган тунги йўлтўсарлар йўл-йўлакай Гришаевни олиб Ғазалкентга — Розенинг уйига отланишди. Маълумки, бу пайтда Юра йўқ эди, Сергей Ким билан ўғирланган «Жигулини Ўринбойникида қолдириб, аллақаерга кетган эди.

— «Шеф»га учрашишдан бошқа илож йўқ,—деди ҳафсаласи пир бўлган Клюйко Владимир Лунгуга юзланаркан.

— Ҳали-бери тонг отади, изгиб юришдан фойда йўқ.

Ўринбой Исроиловнинг кўзи машина номерига тушган ҳамоно шаштидан қайтди:

— Ахир бу ТНО-ку, қаёққа қарадиларинг! Изингиздан милиция тушиши турган гап. Тезроқ йўқотинг бу дахмазани,— деди-да, Юра Розе қаердалигини айтиб, уйига кириб кетди.

Ҳақиқатда, Розе билан Ким Исроилов айтган Шчорс кўчасидаги 97-уйда — Галина Бондаренко уйида экан. ГАЗ—24 воқеасини эшитган Сергей билан Юра тезда кийинди, машинага чиқишди. Милтиқни ҳам олишни унутишмади.

— Олмаликка ҳайда,— буйруқ берди Розе Кимга.—Уша ерда гумдон қиламиз.

«Волга» Олмалиқ — Тўйтепа йўлининг айрилишига етганда, четга бурилиб 500 метрча ичкариликка кириб тўхтади. Багаж очилиб, неча соатдан бери димиқиб, эзилиб ётган Баҳром Юсупов кўкрагига майин баҳор шабадаси келиб урилди. У бир лаҳза мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб симирди-да, даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйди. Қонсираган беш жуфт кўз унга тикилиб турар, атроф зим-зиё, ёрдамга чақирай деса ҳатто катта йўлда ҳам бирон-бир йўловчи ёки машина кўринмасди. Кўз олдидан бир-бир онаси-ю, фарзандлари лип-лип ўта бошлади.

— Саккиз фарзандим ҳақи, раҳм қилинг,— кўзида шашқатор ёш илтижо қилди ҳайдовчи.

Раҳм-шафқат ўрнига буйруқ овози эшитилди:

— Волода, тугат масхарабозликни.

Лунгу тепкини босди. Лекин, ўқ тегмади. Юсупов жон ҳолатда қочишга тушди. Аммо қотил тезда унга етиб, иккинчи марта ўқ узди. Бу гал ўқ бехато текканди. Йигит юз тубан ерга йиқилди. Мурдани қайта багажга жойлаган қотиллар Ангрен дарёси кўпригида сувга ташлаб, Тошкентга қайтишди...

Бир томондан кўнгли хотиржам бўлган Ўринбой Исроилов энди укаси,— «Узплодоовошчаинпром»нинг 12-трестида ишловчи Рихсибойни ишга солди. Акасининг изми билан иш кўрган Рихсибой аварияга учраган Жўра Унаров машинаси двигатели, ўриндиклари, узатгич коробкаси ва бошқа қисмларини ечиб, ўғирланган Убайдулла Адҳамов «Жигулиси»га кўчирди. Шунингдек, машина кузовига босилган номерли тамға ҳам алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, акаси буюрган барча юмушларни қўлдан чиқарди. Ўринбой эса машинани сариқ рангга бўяб эгасига топширди-да, келишилгандек 3 минг сўмни нақд санаб олди.

ҚАРҒА ҚАРҒАНИНГ...

Лекин Убайдулла Адҳамовга тегишли ВАЗ—2103 машинаси бошқа қиёфага кирмасдан бурун яна бир қотилликнинг «шоҳиди» бўлганди.

Апрель ойининг сўнгги кунлари эди. Оз фурсат ичида неча-неча оилаларни қон-қақшатган, ўнлаб машиналарни ўғирлаган Ўринбой Исроилов тўдаси аъзолари навбатдаги маишатдан қайтишарди. Қотиллик ва босқинчилик орқасида тўпланган жаҳаннам-жаҳаннам пуллар ресторан-у, барларга, саёқ, нопок қизларга совғасаломга исроф қилинарди.

Тўқ зангори «Жигули» Тошкентдан ўз «макони» Ғазалкент томон қайтарди. Руллда Гришаев, унинг ёнида Элла Госс, орқа ўриндиқда эса Розе билан Ким ўрнашиб олган. Ҳазил-ҳузулдан бошланган суҳбат пулга келиб тақалди-ю, дабдурустдан ўзгариб, жиддий тус олди.

— Олифтагарчиликни бошқаларга қиласан, муттаҳам. Менга ўтмайди, номернинг «эчки»,— деди Сергей Юранинг иззат-нафсига тегаркан.

— Сен шохида юрсанг, мен баргида, тушундингми «эчки».

Розенинг ранги қув ўчди, титради, кўзига қон қуйилди.

— Ҳовлиқма, симобингни тўғрилаб қўймасам, отимни бошқа қўйман.

Госсни Ғазалкентда қолдирган Гришаев, Розе ҳамда Ким Тошкентга қайтишди. Машинани Юра Розе бошқарар, Сергей Ким эса унинг орқасида ўтирарди. Тўғри йўлга чиқилгач, Сергей чаққонлик билан Розенинг бўйнига арқон ташлаб, бўғабошлади. Юранинг ҳушидан кетганини кўрган Ким Гришаевдан милтиқни олиб Розенинг бошига тиради. Тепки босилди. Сўнгра жиноятнинг изини йўқотиш мақсадида Сижжак яқинидаги карьерга келтириб мурда устидан бензин қуйиб ёқиб юборилди. Бинобарин, бу гал қарға-қарғанинг кўзини чўқиди.

Бирнеча йил мобайнида Тошкент ва Тошкент областида ошкора ва яширин равишда қатор ташкилот ҳамда гражданларнинг шахсий машиналарини ўғирлаш, одамларни ўлдириш билан шуғулланиб келган Ўринбой Исроилов бошлиқ 11 кишидан иборат қотиллар тўдаси қўлга олинди. Бу мудҳиш жиноятни очишда милиция капитанлари Юсуфжон Солишев, Владимир Куколев, старший лейтенантлар Юсуф Хожиев ва Геннадий Амелюхинлар билан бир қаторда шаҳар прокурори ўринбосари В. Баймеев бошлиқ тажрибали терговчилар Б. Қосимов, А. Красиков, Р. Тўлаганов, А. Ҳолмуҳамедов, М. Худоёров ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг неча ойлаб давом этган кунни кун, тунни тун демай қилган қийин ва машаққатли меҳнатлари туфайлигина жиноят очилди. Энди газандалар қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

Я. САЛИМОВ.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

[Бошқа газетанинг 26 февраль сонида].

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ: ГАЗ МАГИСТРАЛИ!

ЎРТОҚЛАР!

СИЗНИНГ РАЙОНИНГИЗ ЕРЛАРИДАН ЎМУМДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ҒОЯТ ҚИММАТ ТУРУВЧИ ИНШООТ — МАГИСТРАЛЬ ГАЗОПРОВОД ТРАССАСИ ЎТАДИ.

Газопровод ва унинг иншоотлари (алоқа линиялари, кранлар, огоҳлантириш белгилари, катод станциялари ва бошқалар)га нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир гражданнинг бурчидир.



Эсингизда бўлсин, газопровод портлаш ва ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин бўлган манба сифатида ниҳоятда хавфлидир.

Кишилар ҳалокатга учраши ва моддий зарар етишидан сақланиш учун газопровод муҳофаза (газопроводдан 250 метрда) зонасида;

Бирор қурилиш қилиш, дала шийпонлари, ток манбалари, заправка пунктларини жойлаштириш, чорва моллари учун сувлоқ ва қўралар ташкил қилиш, силос ўралари қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдончалар қуриш, қум карьерлари ва бошқа хилдаги карьерлар барпо қилиш, аҳлатхона сифатида фойдаланиш, сомон ва қишлоқ хўжалик чиқитларини ёқиш, одамлар, техника, чорва моллари ниг тўпланишига йўл қўйиш

ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ

Газопровод муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини фақат «Ўзбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишилгандан кейингина амалга ошириш мумкин.

АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ҚУРУВЧИЛАР, ПРОРАБЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР территориясида қуйидаги магистраль газопроводлар ётқизилган: ЖАРҚОҚ — БУХОРО — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ, ЯНГИЕР — ҚЎҚОН — ФАРҒОНА — АНДИЖОН, ҚЎҚОН — НАМАНГАН — АНДИЖОН, БУХОРО ГАЗ КОНИ РАЙОНИ, ТОШКЕНТ — ФРУНЗЕ — ОЛМАОТА, ҒАЗЛИ — КОГОН, КЕЛИФ — МУБОРАК ВА УЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАРИ.

Газопровод муҳофаза зонасида қурилган бинолар ва иншоотлар бузиб ташланади.

Магистраль газопровод ва электр узатиш линиялари ўтган районда йўллар қуриш, кабеллар, водопровод қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ҳамда ер юзаси коммуникацияларини ётқизиш, шунингдек янги ерларни ўзлаштириш ва текислаш ишлари фақат олдиндан келишилган аҳдлашувга мувофиқ амалга оширилади.

Газопроводлар ва электр узатиш линиялари муҳофаза зонасида ўзбошимчалик билан қурилиш ва ер қазиш ишларини ўтказиш аварияга, бахтсиз ҳодисаларга, моддий зарар кўриш ва шу каби бошқа жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.



КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА «УЗГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

СП-452-73 магистраль трубопроводлари учун ер ажратиш нормаларига мувофиқ ер ости магистраль трубопроводлари устидаги ерлардан трубопроводларга зиён етказмаслик чораларига амал қилган ҳолда фойдаланиш лозим.

Газопровод ўтган районларда ерлардан фойдаланганда ҳавфсизликни таъминлаш учун дала ишлари бошланишидан олдин «Ўзбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг рухсатини олиш шарт.

«Ўзбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг адреси: Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогика кўчаси, 31«а»-уй.

Рухсатнома олиш учун, шунингдек Когон, Оқтош, Ғаллаорол, Фарғона шаҳарларидаги магистраль газопроводларнинг линия ишлаб чиқариш бошқармаларига мурожаат қилиш мумкин.

МАГИСТРАЛЬ ГАЗОПРОВОДЛАР ЯҚИНИДА ХУШЕР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг

«ГУЗАЛ» АНСАМБЛИ

СОЛИСТЛАР:

ФАҲРИДДИН УМАРОВ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Раъно БУРОНОВА, Гулнора АЪЗАМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ГУЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор — Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент давлат циркида

27 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

«ШЕРЛАР ОРАСИДА»

(Бербер шерлари)

ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ургатувчи — цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги

«АЛИБЕК»

ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

Паузаларда — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз— Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен Меликжаняннинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 да ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ДЕНГИЗГА ЁЗГИ САЁҲАТ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА

НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи — Юрий КЛЕПИКОВ.

Постановчи-режиссёр — Семен АРАНОВИЧ.

Фильм воқеалари бизга 1942 йилни эслатади ва бир группа мактаб ўқувчиларининг фашистларга қарши қандай жанг қилганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўқувчиларга музика тўғрисида. 10.35 — Тонг арафасида. Бадиий фильм. 11.40 — Концерт. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — Горичилар, қаердасиз! 16.45— Сенинг ленинча кутлуғ-ланг. 17.15 — Халқ ижодиёти. 18.00 — Қутлаш йўл. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.40 — Ленин ҳақида ҳикоялар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Нима! Қаерда? Қачон? 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Жаҳон халқларининг ижоди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ижод саҳифалари. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм. 3-фильм. 14.35 — Футбол бўйича халқаро турнир. Ўзбекистон—ЧССР. 18.20 —Мультфильм. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Комплекс механизация — пахтачиликнинг бош йўналиши. 19.30 — Футбол бўйича халқаро турнир. СССР-1 — Венгрия. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик эҳрами. 21.30 — Время. 22.05 — Ажал шамшири. Телетеатр, 2-қисм.

II

20.05 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Зарбдор меҳнатимиз беш йиллигининг якунловчи йилига. 21.25 — Ўқув кўрсатуви. 22.25 — Ўзбек совет шоирларининг шеърлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да **Оламнинг яратилиши**, 28/II да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II **Ганг дарёсининг қизи**, 28/II да **Шошма, қуёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Тўйдан олдин томоша**, 28/II да **Олтин камар**, 29/II да **Тошкентнинг нозанин малинаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да **Отасининг қизи**, 29/II да **Бадбашара ёхуд Эзоп.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва катта цирки артистларининг гастроллари.**

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01821. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. — 1554. 11